


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
«ТЕХНИКА» ФАКУЛЬТЕТИ
«МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

факультет декани
Доц. Г.Базарова

ГБ
“19” 06 2013 й.



“ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ”

/ кафедра мудири
Х.Ақбаров

Х.Ақбаров
“19” 06 2013 й.

**“Касб таълими” йўналиши 4-курс 1-гуруҳ битирувчиси
МУҚИМЖОНОВ ИЛЁСБЕК ИҚБОЛЖОН ЎҒЛИнинг**

**“Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи таълимида ишбилармонлик
ўйинларидан фойдаланиш усуллари”**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: доцент Г. Умарова

Г.Умарова

АНДИЖОН - 2013

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
 “Техника” факультети “Машинасозлик технологияси” кафедраси
 “Касб таълими” йўналиши 4-курс 1-гуруҳ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Машинасозлик технологияси”
 / кафедраси мудири Х. Акбаров


 14 декабрь 2012 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Муқимжонов Илёсбек Иқболжон ўғли

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи таълимида ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш усуллари” мавзусидаги битирув малакавий иши «Машинасозлик технологияси» кафедрасининг 2012 йил 5 декабрь 5-сонли йиғилиши қарори билан маъқулланган.
2. Битирув малакавий ишининг топшириш муддати: “20” май 2013 йил
3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи маълумотлари.
4. Хисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган)
 1. Дарс жараёнида ишбилармонлик ўйинларининг назарий услубий асослари
 2. Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи таълимида ишбилармонлик ўйинларини ташкил этишнинг ҳолати таҳлили
 3. Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи таълимида ишбилармонлик ўйинларини қўллашни такомиллаштириш
5. Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади):
 - 1.2.1.1-жадвал. Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежидаги мавжуд мутахассисликлар
 2. 2.1.2- жадвал. Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи педагогларининг сифат таркиби
 3. 2.1.3- жадвал. Коллежда мутахассисликлар бўйича талабалар сони ҳақида маълумот
 - 4.1-чизма. Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи ахборот – ресурс маркази базасининг намунавий таркиби.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Битирув малакавий иши бўйича маслахатчилар

№	Бўлим мавзуси	Илмий рахбар. Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш	Имзо, сана	
			Топширик берилди	Бажарил ди
1	Кириш	Г.Умарова <i>Г.Умарова</i>	14.12.12й	27.12.12й <i>Г.Умарова</i>
2	Дарс жараёнида ишбилармонлик ўйинларининг назарий услубий асослари	Г.Умарова <i>Г.Умарова</i>	28.12.12й.	05.02.13 й <i>Г.Умарова</i>
3	Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи таълимида ишбилармонлик ўйинларини ташкил этишнинг ҳолати таҳлили	Г.Умарова <i>Г.Умарова</i>	6.02.13й.	28.02.13 й <i>Г.Умарова</i>
4	Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи таълимида ишбилармонлик ўйинларини қўллашни такомиллаштириш	Г.Умарова <i>Г.Умарова</i>	1.03.13 й	08.04.13 й <i>Г.Умарова</i>
5	Хулоса	Г.Умарова <i>Г.Умарова</i>	09.04.13й	20.04.13 й <i>Г.Умарова</i>

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичлари номи	Бажариш муддати(сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.1	Дарс жараёнида ишбилармонлик ўйинларини қўллашнинг психологик-педагогик жиҳатлари	12.01.13 й.	<i>Г.Умарова</i>
1.2	Ишбилармонлик ўйинларининг классификацияси ва уларнинг психологик моҳияти	24.01.13 й.	<i>Г.Умарова</i>
1.3	Таълимда моделлаштирувчи амалий ўйинлар методининг тутган ўрни ва аҳамияти	05.02.13 й.	<i>Г.Умарова</i>
2.1	Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежининг ташкилий - педагогик фаолияти таснифи	16.02.13 й.	<i>Г.Умарова</i>
2.2	Коллеж таълимида ишбилармонлик ўйинларинидан фойдаланиш ҳолати таҳлили	28.02.13 й.	<i>Г.Умарова</i>
3.1	Коллеж таълимида ролли ўйинларнинг технологиясини ривожлантириш	26.03.13.й	<i>Г.Умарова</i>
3.2	Коллеж дарс жараёнида ишбилармонлик ўйинларидан самарали фойдаланиш йўллари	08.04.13.	<i>Г.Умарова</i>

Битирув малакавий иши илмий рахбари: доц. Г.Умарова

Топширикни бажаришга олдим: И.Муқимжонов

Топширик берилган сана: 14 декабрь 2012 йил

Г.Умарова
(имзо)
И.Муқимжонов
(имзо)

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
«Т Е Х Н И К А» ФАКУЛЬТЕТИ

МУНДАРИЖА

ИРИШ	5
БОБ. ДАРС ЖАРАЁНИДА ИШБИЛАРМОНЛИК ЎЙИНЛАРИНИНГ IAЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	9
1. Дарс жараёнида ишбилармонлик ўйинларини қўллашнинг психологик- едагогик жиҳатлари.....	9
2. Ишбилармонлик ўйинларининг классификацияси ва уларнинг сихологик моҳияти.....	14
3. Таълимда моделлаштирувчи амалий ўйинлар методининг тутган ўрни ва хамияти.....	17
I-БОБ. АНДИЖОН КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС КОЛЛЕЖИ ТАЪЛИМИДА ИШБИЛАРМОНЛИК ЎЙИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	22
2.1. Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежининг ташкилий - педагогик ролияти таснифи.....	22
2.2. Коллеж таълимида ишбилармонлик ўйинларинидан фойдаланиш ҳолати таҳлили.....	26
III-БОБ. АНДИЖОН КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС КОЛЛЕЖИ ТАЪЛИМИДА ИШБИЛАРМОНЛИК ЎЙИНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
3.1. Коллеж таълимида ролли ўйинларнинг технологиясини ривожлантириш.....	39
3.2. Коллеж дарс жараёнида ишбилармонлик ўйинларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	45
Хулоса ва таклифлар.....	51
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	53
Иловалар.....	59

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий, ижтимоий соҳа ва таълим тарбияни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун мамлакатимиз ҳукумати олдида турган вазифалардан бири – юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборатдир.

Республика ҳаётининг ҳар бир соҳасидаги ўзгаришлар мамлакатимизда таълим - тарбия олаётган ва чет мамлакатларда ўз малакаларини такомиллаштириб қайтаётган билимли, малакали миллий кадрларга талабни, эътиборни янада ошириш кераклигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттириляётганлигига алоҳида тўхталиб ўтди.¹

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълимда ислохотларни амалга оширишни кўзда тўтади. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий тарбияни мустаҳкамлаш ва бу жараёни ахборот таъминотини замон талабларига жавоб бера оладиган кўринишга келтириш, кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланмоқда.

Янги педагогик технологияларни вужудга келиши, бу жамият ривожланиши ва талаблар ўзгаришининг натижасидир. Ҳар бир янги давр ўз ўзгаришларини ва янгиликларини тақозо этади. Янги инновацион

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 18.01.2013 й.

технологияларнинг мақсади ҳар янги босқичда асосан таълим ва тарбия самарасини оширишга қаратилгандир. Таълим-тарбия жараёни самарасини ошириш янги сифат даражасига ўтиш имконини беради. Бу мақсадга эришиш учун эса ишбилармонлик ўйинлари технологияларини, яъни ўқиш жараёнининг бориши ва ташкил қилишни янги самарали кўринишларини ишлаб чиқиш лозим. Ушбу ишбилармонлик ўйинларининг технологиялари ҳозирги давр учун, яъни инсоннинг ривожланиш даражаси ва техниканинг ривожланиш даражасига мос тушиши ҳамда инсон ва техник ресурсларни уйғун бирлашишини таъминлаши керак. Мана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда коллеж таълимида ишбилармонлик ўйинлардан фойдаланган ҳолда машғулотларнинг олиб борилиши танланган мавзу доирасидаги битирув малакавий ишимизнинг қанчалик *долзарб* аҳамиятга эга эканлигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур муаммо бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, асосан унга бир қатор педагог, психолог ва иқтисодчи олимлар ўз самарали ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жумладан, Н. Сайидахмедов, Б.Л.Фарберман, Т. Жўраев, Б.Зиёмухаммедов, Н.Хўжаев, Д.Тожибоева ва бошқа олимларни изланишлари ва илмий тўхтамларини келтиришимиз мумкин. Юқоридаги муаллифлар томонидан келтириб ўтилган фикрларда таълим технологияларини шахс тараққиётига ва уни фаоллаштиришга таъсири, таълим мазмунидаги ўрни қайд этиб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. “Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи таълимида ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш усуллари” мавзуидаги битирув малакавий иши Андижон машинасозлик институти “Машинасозлик технологияси” кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режасида тасдиқланган.

Битирув малакавий ишининг тадқиқот мақсади - Ўрта махсус касб-хунар таълим жараёнидаги ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш ва ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг тадқиқот вазифалари:

- Ишбилармонлик ўйинларига оид илмий адабиётларни таҳлил қилиш;
- Коллеж таълимида ишбилармонлик ўйинларининг усуллари аниқлаш;
- Коллеж таълимида ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш йўллари тадбиқ этиш.

Битирув малакавий иши объекти Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи ўқув жараёни ажратилди. Ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш усуллари ўрганиш тадқиқотнинг предмети таъкил этади.

Тадқиқот методлари анкета, тест, сўровлар, педагогик кузатув, педагогик тажриба-синов кабилар олинди.

Ишининг ахборот базаси Давлатимиз томонидан белгиланган меъёрий хужжатлар, фармонлар ва буйруқлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар, шунингдек, Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежидан олинган маълумотлардан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги олий таълим тизимида ишбилармонлик ўйинларига оид илмий адабиётларни таҳлил қилинганлиги; коллеж таълимида ишбилармонлик ўйинларининг усуллари аниқланганлиги; коллеж ўқув жараёнида ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш йўллари тадбиқ этилганлигидан иборат.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг назарий аҳамияти яна шундаки, унда қўлга киритилган илмий таҳлиллар ва назарий хулосалар олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг иқтисодий йўналишлари бўйича ўқув режасига киритилган “Иқтисодий билим асослари”, “Иқтисодий тарбия назарияси” каби фанларни илмий асосланган маълумотлар билан бойитади. Қўлга киритилган амалий

тажрибалар коллеж ва академик лицей ўқувчиларида иқтисодий онг ва иқтисодий ҳуққни шакллантиришга бўлган чора тadbирларни белгилаш, амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Натижаларнинг жорий қилиниши ва синовдан ўтиши назарий ва амалий ғояларидан касб таълими мазмунини такомиллаштириш, касб таълими йўналишларида назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш жараёнида қўллаш мумкин.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Ушбу тадқиқот ишининг натижалари “Машинасозлик технологияси” кафедраси ва битирув малакавий амалиёти асосида тайёрланган ҳисоботида кўрсатиб ўтилган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Ушбу тадқиқот иши кириш, учта боб, 8 та параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 59 бетдан иборат.

I-БОБ. ДАРС ЖАРАЁНИДА ИШБИЛАРМОНЛИК ЎЙИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Дарс жараёнида ишбилармонлик ўйинларини қўллашнинг психологик-педагогик жиҳатлари

Ҳозирги пайтда тайёр билимни ўзлаштириш асосий мақсад бўлмай, балки энг асосийси, талаба-ёшларимизнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилиш объектив заруратга айланди. Бу мақсадни амалга ошириш эса, кўп жиҳатдан дарс ўтиш методларини танлашга боғлиқ.

Ҳар қандай фанни ўрганишда турли методлар қўлланилади. Бунинг сабаби, биринчидан дарс ўтишда турли услубларни қўллаш уни қизиқарли бўлишига, талабалар диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратилади. Бир хил методда дарс ўтилавериши талабаларни зериктиради. Психологлар тадқиқотларига кўра, ҳар қандай моҳир педагог-ўқитувчи ҳам бир хил методни қўллаб дарс берар экан, айтайлик, маъруза ўқир экан, талабалар дастлаб 20 минут, сўнгра дарсни тугашидан олдин 20 минут маърузани диққат билан эшитар, қолган пайтда ҳаёлга берилиб кетар экан.

Иккинчидан, талабаларнинг дарсни ўзлаштириш, билимни қабул қилиш қобилиятлари ҳар хил бўлиб, турли услубларни қўллашгина ўтилаётган мавзуни талабалар томонидан нисбатан тўлиқ ўзлаштиришга олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, билимни ўзлаштириш жараёнида мавзуни тезроқ англашга бир хил талабаларга бир услуб ёрдам берса, иккинчиларига бошқа услуб ёрдам беради.

Учинчидан, дарс ўтиш методлари талабалар фикрлаш доирасини шакллантиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, барча педагоглар талабаларга билим беришнинг энг самарали йўли, дарс ўтишга турли методларни қўллаш зарур, деган фикр тарафдори бўлиб, айнан файси метод қайси категориядаги талабалар учун қўлланилиши маъқуллиги бўйича эса

ягона қолип йўқ. Жаҳон педагогикаси тажрибаси шуни кўрсатадики, таҳлилий фикр юритадиган талабалардангина муваффақият билан ишловчи бизнесменлар, сиёсий лидерлар (сардорлар), фан арбоблари етишиб чиқади.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, ўйин, меҳнат ва ўқиш каби фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Инсонни шахс сифатида камол топишида ишбилармонлик ўйинларининг аҳамияти катта. Ўйинлар инсон ўзини ҳаётда намоён қилиши, ўз ўрнини топиши, ўз-ўзини бошқаришнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ишбилармонлик ўйинларни дарс ўтиш методи тариқасида борган сари кенгроқ қўлланилишига асосий сабабларидан бири унинг қадимдан инсонга турли-туман билим, кўникма, маҳоратни ҳосил бўлиши ва унинг хотирасида сақланиш шакли сифатида қўлланилиб келишидир.

Таълим жараёнида, айниқса, иқтисодий фанларни ўрганишда ишбилармонлик ўйинларидан бири моделлаштириш методи муҳим ўрин тутди. Айнан моделлаштиришда талабалар иқтисодий тушунчаларни ўрганишни эшитиш, кўриш орқалигина эмас, балки ўзлари ҳам қатнашиб ўрганадилар. Натижада, биринчидан, энг суст ўзлаштирувчи талабаларни ҳам дарсда фаол қатнашишлари таъминланади. Иккинчидан, талабалар у ёки бу тушунчани, жараёни ўрганишда ўзлари қатнашганликлари туфайли у хотираларида узоқ сақланиб, фаол билим заҳирасини ташкил этади.

Билим ва малака ўқиш, фаолият юритиш жараёнида шаклланади. Бирор малакани эгаллаш учун унга оид фаолиятни кўп марта такрорлаш, машқ қилиш, мунтазам амалга ошириш зарур. Ана шу жараён натижасида ўқувчи, талабаларда ўқув, кўникма шаклланади. Бу жиҳатда ҳам моделлаштирувчи ўйин методи катта аҳамиятга эга. Моделлаштирувчи ўйинларнинг афзаллиги шундаки, ўйин иштирокчилари ўзига у ёки бу ролни олиб, харчанд қизиқишлари бир-бирига мос тушмасида ўзаро мулоқотга киришадилар, натижада зиддиятли вазият яратилиб, эҳтиросли ҳолат юзага келади ва бу ўйинга қизиқиш уйғотади. Ўйин иштирокчилари беихтиёр

равишда ўйин давомида ўз хислатларини намоён қиладилар. Бунда улар олган билим, касбий ўқув малакаларинигина эмас, балки умумий иқтидорини, ўз табиатидаги мавжуд жаръат, тезкорлик, киришимлилик, ташаббускорлик, фаоллик каби хислатлар бор ёки йўқлигини ҳам намоён этадилар.

Талабаларни ўйин жараёнига тортилиши, ўйин жараёнида юз берадиган вазият, эмоционал ҳаяжон, қайғуриш уларни ижодий фаолиятини оширувчи кучли стимулятор ролини ўйнайди. Талабаларда предметни ўзлаштиришга бўлган қизиқиши ортади.

Ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиб дарс ўтиш турли мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади.

Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини-ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Л.С.Вигодский ўйинни боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буюртмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди

А.Н.Леонтьев ўйинга шахснинг ҳаёлотдаги амалга ошириб бўлмайдиган қизиқишлари (манфаатлари)ни ҳаёлан амалга оширишдаги эркинлиги сифатида қарайди.

Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади. Улар қуйидагилар:

- мафтункорлик;
- коммуникативлик;
- ўз имкониятларини амалга ошириш;
- даволовчилик;
- ташхис;
- миллатлараро мулоқот;
- ижтимоийлашув.

Тадқиқотчилар ўйин хусусиятларини ишлаб чиққанлар. Ўйинларнинг муҳим қирралари С.А.Шмаков томонидан ёритилган. У эркин ривожлантирувчи фаолиятни фарқлайди. Бундай фаолият фақат натижа туфайли баҳра олиш учун эмас, балки хоҳишларига кўра, фаолият жараёнининг ўзидан баҳра олиш учун қўлланади.

Ўйин ижодийлиги билан ажралиб туради. У мумкин қадар бой, фаол характерга - «ижод майдони» га эга бўлади.

Ўйин учун ҳиссий кўтаринкилик хосдир. У ўзаро кураш, мусобақалаш, рақобат шаклида намоён бўлади.

Ўйиннинг ўйин мазмунини акс эттирувчи, уни ривожлантиришнинг мантикий ва вақтинча изчиллигини кўзда тутган бевосита тегишли ва унга нисбий алоқадор қоидалари бўлишини кўрсатадилар.

Тадқиқотчилар назарий аспектда ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида қарайдилар.

Ўйиннинг дидактик мақсади. Талабаларнинг билимларини ўрганиш, тушуниш, амалитда олган билим, малака кўникмаларини қўллаш, уларни ривожлантириш, меҳнат кўникмаларни кенгайтиришга қаратилган.

Ўйиннинг тарбиявий мақсади. Мустақилликни, иродани тарбиялаш, маънавий, эстетик дунёқарашни шакллантириш, жамоага киришиб кета олиш – коммуникабелликни тарбиялаш.

Шу ўринда моделлаштирувчи ўйинлар шартли равишда имитацион, амалий, рол ижросига асосланган ўйинларга бўлинади.

Имитацион ўйинларда бирон-бир ташкилот, муассаса, корхона фаолияти андоза қилинади. Воқеалар кишиларнинг бирор фаолияти масалан, бизнес режани муҳокама қилиш, иш фаолиятидаги мажлислар бунга мисол бўла олади.

Амалий (операцион) ўйинлар. Бунда ўйинларда аниқ ўзига хос воқеа-ҳодиса, фаолият, операциянинг бажарилиши машқ қилинади. Амалий ўйинлар иш жараёнига хос равишда моделлаштирилади.

Рол ижро этиш ўйинлари. Унда аниқ шахснинг хулқи, хатти-ҳаракати ва мажбуриятларининг бажарилиш тактикаси машқ қилинади.

Рол ўйинлари ўқувчи-талабаларнинг шахсига катта таъсир кўрсатади. Бу ишбилармон ўйинларда ўйинда қатнашувчиларнинг ўзи муаммоларни ўйлаб топиши, улар фаолияти ва қарор қабул қилиши чекланмайди. Уларнинг ўзи мақсад қўйиб, уни амалга ошириш учун ўйин қоидаси доирасида турли воситалардан фойдаланади.

Ўйиндаги вазият ўйин иштирокчилари томонидан алоҳида педагогик усул шароитида эмас, балки кундалик реал ҳаётини вазиятни давоми каби қабул қилинади.

Ролли ўйинлар – бу талаба ёшларни тарбиялаш ва бўш вақтини ўтказишни ташкил қилишнинг шакли ҳамдир. Бу ўйинлар ўрганиш, тарбиялаш, дам олишда қўлланилади ва улар катта педагогик потенциалга эга. Ишбилармонлик ўйинлари ўқув жараёнида ўқитиш, ўрганиш методи ҳисобланади. Уни турли даражада ва мақсадларда қўллаш мумкин. Барча талабаларни дарсга қизиқиб, фаол қатнашишларини таъминлашда ишбилармонлик ўйинлар методларининг аҳамияти жуда катта.

Ишбилармонлик театри. Бунда қандайдир вазият ва ундаги кишининг хулқи ўйналади. Бу ўйиннинг асосий вазифаси турли ҳолатларда мўлжални тўғри баҳолай олишни ўргатиш, ўзининг хулқига тўғри баҳо бериш, бошқа кишиларнинг имкониятларини баҳолай олиш, улар билан мулоқот ўрната олишга ўргатишдир.

Психодрама ва социодрама. Бу ҳам ўзига хос «театр», лекин ижтимоий психологик мақсадни кўзлайди: Унинг асосий мақсади жамоада вазиятни ҳис қила олиш, бошқа кишининг ҳолатини ўзгартириш ва унга баҳо бериш, у билан самарали мулоқотга кириша олишни шакллантириш ҳисобланади.

1.2. Ишбилармонлик ўйинларининг классификацияси ва уларнинг психологик моҳияти

Таълимда ишбилармонлик ўйинлари ўзаро ҳамкорликнинг ниҳоятда кўп усул ва турларини қамраб олади. Лекин методик усул қандай бўлишидан қатъий назар, талабаларнинг тажрибалари асосий таълим манбаи бўлиб ҳисобланади. Ҳамкорлик асосида амалга оширилаётган методларнинг асосий хусусияти шундаки, унда талаба ўзи учун ниманидир кашф қилади.

Ишбилармонлик ўйинларидан моделлаштирувчи ўйинлар “ўқишга ва уқишга” ўргатади. У талабаларнинг ниҳоятда катта интеллектуал потенциалидан фойдаланиш имконини беради, уларни ўқув жараёнида фаол қатнашишларини таъминлайди. Ўқув жараёнида нафақат ҳамкорлик, балки мусобақа, беллашув элементларини ҳам қўллаш имконини беради.

Моделлаштирувчи ўйинлар талабаларнинг ўз фикрни ифодалаши учун кенг имконият яратиб берибгина қолмай, балки ўртоқларининг фикри, асослари, далилларини тинглаб, ўз фикридан қайтиши ёки фикрини тамомила ўзгартириши мумкин. Моделлаштирувчи ўйинлар бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан қарашга, уни сабр-тоқат билан эшитишга ҳам ўргатади. Шунингдек, аудиторияда ҳамкорлик муҳитини яратишнинг реал имкониятини яратади.

Ўқитувчи-педагог яхши дарс беришнинг тайёр рецептига эмас, балки моделлаштирувчи ўйинларга асосланган таълим технологиясига эга бўлиши керак. У ижодий ҳамкорликда ишлашга ва маъсулиятли қарорлар қабул қилиш учун тайёр туришга ўргатади.

Таълимдаги моделлаштирувчи ўйинлар

- Талабаларда дарсда ўрганилаётган мавзуга қизиқиш уйғотишни таъминлайди;
- Талабаларда ўқув материални пухта ўзлаштириш имконини беради;
- Талабанинг таҳлилий фикрлашини ривожлантиради;
- Талабаларни ўқув жараёнига тўлақонли тортиш, фаоллигини ошириш учун шароит яратади;
- Гуруҳда кўнгилдагидек ижобий психологик иқлим, муҳит яратади.

Дарс ўтишда моделлаштирувчи ўйинларни ўқитувчи мавзунинг мазмуни, гуруҳнинг тайёргарлигига қараб қўллаши мумкин.

Ўйинли технологияларни амалга ошириш бўлғуси мутахассиснинг ижодий фаолиятини ривожлантириш методларидан фойдаланишни тақозо қилади.

Ижодий фаолият тажрибасини ривожлантириш методларига илмий тафаккурни жонлантириш, янги муаммоларни ечиш малакасини ишлаб чиқишга, муаммоларни ечишда онгли изланишга олиб келадиган методлар тааллуқлидир.

Ижодий фаолиятни ривожлантириш методлари Г.С.Альтшуллер, О.Г.Богданова, А.В.Брушлинский, Г.Мелхорн, Б.Миронов, П.Якобсон ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методлари:²

1. Дельфи методи-тавсия этилган сериядаги муқобиллардан энг яхшисини танлаб олишга ёрдам беради.

² Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т., Ўқитувчи, 2004

Гуруҳ аъзоларидан ҳар бири муқобилга муайян изчилликда баҳо бериш талаб қилинади. Тадбирни ўтказиш тартиби қуйидагича: Масалан, статистик методлар орқали, 5 та камчилик (дефект) сабаблари аниқланган. Қайси бири муҳим камчилик? Муҳокама иштирокчилари муаммони аввало муҳимлик даражасига кўра саралаб чиқадилар. Ўзлари учун муҳим ҳисобланган муқобилни биринчи ўринга, иккинчи даражаларини бешинчи ўринга қўядилар. Шундан сўнг ҳар бир муқобилга ҳар бир иштирокчи камчиликларнинг сабабларига тўхталган ҳолда 10 баллик тизим асосида баҳо қўйиб чиқади. Бунда энг юқори балл сифатида 1 ва энг паст 10 балл этиб белгиланади. Учинчи босқичда муқобилларнинг ҳар бири ўзаро қўпайтирилади ва ҳосила рақам топилади. Энг кам рақам тезликда ва биринчи навбатда бартараф қилинадиган сабабни билдиради. Ҳисоблашни осонлаштириш учун махсус жадвал ясалиши мумкин.

2. «Қора қути» методи. Бу метод асосида ечиладиган муаммолар аниқ вазиятни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, яъни таҳлил давомида иштирокчилар беихтиёр камчилик (дефектлар)нинг юзага келиши масалаларига тўхталадилар. Иштирокчиларни бунга махсус, мақсадга мувофиқ қўйилган саволлар ундайди. Масалан, «Бу вазият нимага олиб келади?» ёки «Бу ҳолатга механизмлар иши қай даражада барқарор» ва бошқалар «Қора қути» методининг моҳияти шундаки, унда камчиликлар сабаби йўл-йўлакай аниқланади. Бунда кишиларнинг ижодий ташаббуслари ривожлантирилади.

3. Кундалик тутиш методи. Гуруҳнинг ҳар бир аъзосига ён чўнтак дафтарчаси тарқатилади. Унга, айтайлик, бир ҳафта давомида муҳокама қилинадиган муаммо бўйича туғилган фикрлар қайд қилиб борилади. Барча иштирокчиларнинг ёзиб борган фикрлари пешқадамлар томонидан таҳлил қилиниб, тайёрланган материал охириги муҳокамага олиб чиқилади, бу метод қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: биринчидан, туғилган ғоя, аниқ рационал таклиф ўша гуруҳнинг фикри даражасига кўтарилади, иккинчидан,

турли хилдаги тортишувлар, нуктаи назарлар гуруҳ мажлисига, ҳал қилинади, кескинлашган нуктаи назарлар ҳам текисланади.

4. 6-6 методи. Олти кишидан кам бўлмаган гуруҳ 6 минут давомида гуруҳ олдида турган муаммони ечишга ёрдам берадиган аниқ ғояни шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир иштирокчи алоҳида саҳифаларга ўз фикрларини ёзиб боради. Бу жуда ихчам тарзда амалга оширилади: жипсликларнинг бузилиши, материалларнинг бузилиши, технологияларнинг бузилиши тарзида. Шундан сўнг гуруҳда барча тайёрланган рўйхатлар муҳокама қилинади.

Муҳокама жараёнида ўта хато қарашлар чиқариб ташланади, мунозарали масалаларга аниқлик киритилади, бошқа барча аниқланган хусусиятлар гуруҳлаштирилади. Вазифа-бир неча муҳим муқобилларни саралаб олиш, бинобарин, уларнинг миқдори иштирокчилар миқдorigа нисбатан кам бўлиши лозим.

5. Бевосита жамоа бўлиб «Фикрлар ҳужуми» («Мозговая атака») олиб бориш. Бу методдан мақсад мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айна бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишдир. Бу метод А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган. Бу методнинг асосий тамойили ва қонидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан ғоялар танқидини мутлақ тақиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил-мутоибани рағбатлантиришдир. Бу методдан фойдаланишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи-машғулот раҳбарига боғлиқ «Фикрлар ҳужуми» иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

1.3. Таълимда моделлаштирувчи амалий ўйинлар методининг тутган ўрни ва аҳамияти

Мамалакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар, ислоҳатлар таълим стандартларини ўзгартиришга, янги фан,

ўқув курсларини киритишнигина эмас, балки дарс ўтиш методларини ўзгартиришни, талабаларни дарсга қизиқиб, фаол қатнашишларини таъминлайдиган методларини қўллаш эҳтиёжларини келтириб чиқарди.

Шунинг учун жаҳон педагогикасида асосий эътибор талабаларда ана шу хислатларни ҳосил қилишга қаратилди. Тажриба талабаларда айнан шу хислатлар, кўникмаларни ҳосил қилишда ишбилармонлик ўйинларини қўллаш ижобий натижа беришини кўрсатди. Ишбилармонлик ўйинларидан моделлаштирувчи ўйинлар талабаларга мавҳум (абстракт) иқтисодий тушунчалар, реал ҳаётдаги иқтисодий воқеа-ҳодисаларни ифодалаш, уларнинг моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Яъни:

- 1) Моделлаштириш методи асосига қурилган дарс ориентациядан бошланади. Ўқитувчи-педагог талабаларни амалий ўйин, унинг мақсади ва фойдаланиладиган тушунчалар билан таништиради.

Ўқитувчи бирор мавзу, саволни моделлаштирувчи ўйинлар ёрдамида ўтказишни мўлжаллар экан, энг аввало унга тайёргарлик кўриши керак.

Тайёргарлик босқичи қуйидагилар:

- а) ўйинни ишлаб чиқиш;
 - б) уни ўтказиш қоидалари ва уларни талабаларга тушунтиришни ўз ичига олади.
- 2) Моделлаштирувчи ўйиннинг қандай ўтказилиши ёзма матнда кўрсатилади. Шунинг учун мавзулар бўйича махсус иш ўйинлари аввалдан ишлаб чиқилиши, ўйин сценарийси ёзилиши зарур.

Унда:

- Ўйиннинг мақсади;
- Ўйин вазифалари ва уларнинг бажариш изчиллиги;
- Ўйин қоидалари;
- Ғолибларни аниқлаш тартиблари ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Мақсад – инсонни у ёки бу фаолияти жараёнида эришиши лозим бўлган дастурлаштирилган, режалаштирилган натижа. Мақсад текшириб кўрилади ва эришиладиган (амалга ошириладиган) бўлиши лозим.

Мақсад икки турда бўлади:

1. Ўқитувчи фаолияти мақсадлари
2. Ўқувчи фаолияти мақсадлари

Ўқитувчи фаолияти мақсадлари ўқувчи-талаба шахсини ривожлантиришга қаратилган. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Ўқувчи, талабаларнинг янги мавзунини ўрганиш лойиҳасини тасаввур қила олишига ёрдамлашиш;
- Уларнинг далиллар, тушунчалар, қонунлар ҳақидаги кўникмаларини мустаҳкамлаш;
- Талабаларни ўрганган билими ва малакасини хилма-хил шароитларда мустақил қўллай билишга ўргатиш, “амалиёт” да синаб кўриш;
- Мавзу бўйича талабаларнинг билими, ўқувчи, малакасини ошириш, мустаҳкамлаш ва назорат қилиш.

Ишбилармонлик ўйинларини ўтказиш учун қандай тайёргарлик кўришда ўқитувчи учун тавсиялар, талабалар учун кўрсатмалар берилади.

Талабалар қандай рол ўйнашади, ўйиннинг қоидалари, уни ўтказишни кетма-кетлиги кўрсатмаси берилади. Жуда кўп ўйинларда талабалар ҳаётдаги персонажларнинг ролини ўйнашади. Масалан, сотувчи, харидор, ишлаб ичқарувчи, хизматчи ва ҳоказо.

Ўйин ўтказиш шартларида ҳар бир рол бажарувчининг мақсади ва унга қандай эришиш мумкинлиги кўрсатилади. Масалан, харидор белгиланган вақт ичида иложи борича арзон, кўпроқ товар сотиб олиши, сотувчи эса аксинча, кўпроқ қимматга сотиши, ишлаб чиқарувчи кўпроқ кам ҳаражат билан маҳсулот ишлаб чиқариши ва ҳоказо.

3) Моделлаштирувчи ўйин ўтказилаётганда дарснинг мақсадини яхши тушунмаслик оқибатида йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларни тўғрилаш,

қарама-қарши мулоқот ўрнатиш имкониятини қолдиришни назарда тутиши керак.

4) Моделлаштирувчи ўйин асосида дарс ўтишда талабалар ўйин жараёнида ҳам билим олади. Муҳокама қилиш жараёнида ўқитувчи томонидан берилган саволлар талабаларга ўйин давомида бажарилган ишлар, воқеаларни умумлаштиришга, дасрнинг асосий мазмунини таҳлил қилишга ёрдам бериши керак. Талабалар тўқнашган қийинчиликлар, ўзи учун очган янгиликларни аниқлаш, ўйинни реал ҳаёт воқеалари билан таққослаш, ўтиладиган дасрнинг мазмуни билан боғлиқ асосида кўрсатилган асосий иқтисодий тушунчаларнинг маъзини чақиш, англаб етиш ҳамда хулоса чиқаришга ёрдам бериши керак.

5) Моделлаштирувчи ўйин бошқа ўйинлардан фарқ қилишини тушунтириш керак. Масалан, ким биринчи бўлиб масалани ечади ёки кроссворд тузади ва ҳоказо. Булар асосан, қандайдир бир мусобақани ифодалайди.

Моделлаштирувчи ўйинларга эса, албатта, реал ижтимоий ёки иқтисодий жараённи соддалаштирилган ифодаси, унда қатнашиш имконини берадиган ўқув тажрибаси сифатида қараш мумкин. Моделлаштирувчи амалий ўйинлар талабаларга шу жараённинг ўзини ёки инсонларнинг хатти-ҳаракатини, ўзларини қандай тутишлари, яъни танлов муаммосини қандай ҳал этишларини намоён қилиши туфайли иқтисодий воқеа, ҳодиса, жараёнларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Чунки бу жараённинг ўзида улар қатнашадилар ва синаб кўрадилар.

Моделлаштирувчи ўйин тамойили асосида тузилган дарснинг босқичлари: 1.Мўлжалга олиш.

- Моделлаштирувчи ўйин ўтказадиган мавзу танлаш;
- Мавзу мазмунини ўрганадиган ўйин танлаш ёки ишлаб чиқиш;
- Моделлаштирувчи ўйинда намоёниш этиладиган, ўрганиладиган тушунчаларни айтиш, эсга солиш, қайтариш;

- Моделлаштирувчи ўйиннинг мақсадини тушунтириш.

2. Ўйинни ўтказишга тайёрланиш.

- ролларни аниқлаш, ҳар бир ролни муваффақиятли бажариш учун керакли ашёларни тайёрлаш;
- ўйинни ўтказишни қонун-қоидасини белгилаш;
- ўйин ўтказишни аниқ тартибини белгилаш, қандай ўтказиш ҳақида аниқ кўрсатма бериш;
- зарур бўлганда қисқа синов раундини ўтказиш.

3. Ўйинни ўтказиш.

- моделлаштирувчи ўйинни ўтказиш;
- ўзаро мулоқотни, алоқани таъминлаш;
- нотўғри тушуниш туфайли йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш;
- ўйинни давом эттириш.

4. Муҳокама қилиш.

- Ўйинда юз берган ҳодисалар жараёнига якун ясаш;
- Юз берган қийинчиликлар ва уларни бартараф қилиш йўллари муҳокама қилиш;
- Жараёни таҳлил қилиш;
- Ўйинни реал ҳаёт билан таққослаш;
- Ўтилаётган асосий иқтисодий тушунчалар билан боғлаш.

Демак, сифатли таълим, энг аввало, сифатли, кучли моддий-техник база, замонавий талаблар даражасидаги ўқув-услубий таъминот, юқори билим ва савияга эга бўлган профессор-ўқитувчилар контингенти, таълимни ташкил этиш, бошқариш ва сифатини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими, иқтисодиёт билан, иш берувчилар билан кенг қўламдаги ва чуқур интеграция, иқтисодиёт талаблари ва эҳтиёжлари асосида яратилган таълим стандартлари ва фан дастурлари, таълим беришнинг самарали, илғор педагогик ва ахборот технологиялари демакдир.

II-БОБ. АНДИЖОН КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС КОЛЛЕЖИ ТАЪЛИМИДА ИШБИЛАРМОНЛИК ЎЙИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежининг ташкилий - педагогик фаолияти таснифи

Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи давлат бюджети ҳисобига 2002 йили қайта таъмирлаш йўли билан Андижон шаҳар Бобур шох кўчасида жойлашган “Андижон касб-хунар техник коллежи” негиза ташкил қилиниб 2002-2003 ўқув йили учун топширилган. Андижон ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг 2001 йил 22 июндаги 56/01 сонли буйруғи асосида ташкил этилиб, 2002 йилда ўқув биноси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилган.

Коллежнинг умумий ер майдони 20000 м², шундан ўқув, маъмурий ва ёрдамчи бинолар майдони 4890 м². Ички тазолов майдони 3862 м², автодром (автомобилларни амалий бошқаришни ўргатиш майдончаси) 1182 м², йўлаклар ва спорт майдони 1060 м². Ўқув хоналар ва ошхона, қишки ёпиқ спорт зали, футбол майдони, баскетбол майдони, волейбол майдони, фаоллар зали (170 ўринли), Ахборот ресурс маркази ҳамда мавжуд.

Ўқув хоналари тақсимооти: 35 та умумтаълим фанлари хоналари, 21 та умумкасбий ва махсус фанлар хоналари бўлиб, 1 та физика, 1 та биология, 1 та кимё фанлари лаборатория жихозлари берилган, 1 та лингафон хонаси мавжуд. 2 та информатика хонасига 1 та компьютер синфи берилган.

Коллеж ҳудудида 12 туп анжир, 38 туп терак, 147 туп арча, 5 туп каштан, кичик кўчатлар 52 туп, хурмо 5туп дарахтлари ва 800 дона атиргул кўчатлари экилган.

Коллеждаги тайёрлов йўналишлари асосан иқтисодий таълимни ташкил этиш омиллари ва шароитлари асосида ривожлантирилиб, молия, бухгалтерия иши, банк иши, хўжалик фаолияти ҳуқуқи, солиқ ва солиққа тортиш йўналишларида мутахассисларни етиштириб чиқаради.

Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи 975 ўринга мўлжалланган, ҳозирда 2192 нафар ўқувчи таҳсил олади. Шундан 1592 нафар ўғил болалар, 600 нафари қиз болалардир. Ўқувчиларни босқичлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, 1 босқичда - 804 нафар, 2 босқичда – 739 нафар, 3 босқичда - 649 нафарни ташкил этади. Коллеждаги тайёрлов йўналишлари ва ўқув курслари сони қуйидаги жадвал маълумотларидан келтириб ўтиш мумкин:

2.1.1-жадвал.

Коллеждаги тайёрлов йўналишлари ва ўқувчилар контингенти

№	Йўналиш		Курслар						Жами	
			I		II		III			
			Жами	Қиз	Жами	Қиз	Жами	Қиз	Жами	Қиз
1	Автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	3520617	58	0	68	0	92	0	218	0
2	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	3531209	393	0	307	0	232	0	932	0
3	Автомобилларда бошқариш ва ташишни ташкил этиш	3521202	36	0	88	0	91	3	215	3
4	Тикувчилик и /ч	3540601	163	163	115	115	60	60	338	338
5	Молия	3310603	62	30	103	49	57	14	222	93
6	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	3340901	92	50	58	36	32	16	182	102
7	Бошланғич таълим	3141601	0	0	0	0	55	55	55	55
8	Хуқуқшунослик	3380104	0	0	0	0	30	9	30	9
	Жами:		804	243	739	200	649	157	2192	600

Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежида ҳозирги кунда 170 нафар ходимлар бўлиб, улардан 109 нафари ўқитувчи ва мухандис-педагоглар ва 61 нафар техник ходимлар фаолият кўрсатмоқда.

2.1.2-жадвал**Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежида таълим бераётган ўқитувчилар салоҳияти**

Жами ўқитувчи	109 нафар
Бош ўқитувчи	12 нафар
Еткачи ўқитувчи	5 нафар
Катта ўқитувчи	14 нафар
ўқитувчи	65 нафар
Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи	2 нафар
Касб ҳунар таълими устаси	11 нафар

Талабалар турар жойи яъни ётоқхонаси фонди 250 нафар ўқувчини сиғдира олади.

2.1.3-жадвал**Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланганлиги ҳолати**

Ўқув йили	Жами ўқувчилар сони		Улардан				Ётоқхона қуввати	Ётоқхона- нинг яшаш майдони	Бир ўқувчига тугри келувчи майдон (қв.м)
			Ётоқхонага муҳтож		Ётоқхонада туради				
	ўғил	қиз	ўғил	қиз	ўғил	қиз			
2012 2013	1592	600	150	100	150	25	250	680 кв.м	3.9 кв.м

Бундан ташқари коллежда 100 ўринли ошхона ва битта буфет ташкил этилган. Шунингдек спорт зал, ёзги спорт комплекси, битта футбол майдони талабалар ихтиёрига берилган.

Коллежда 50 ўринли кутубхона мавжуд бўлиб, 11196 дона китоб фондига эга. Коллежнинг ахборот ресурс маркази Ўзбекистан Республикасининг ПК-381 сонли қарори асосида ишларни ташкил этиган. Коллеж фонди имкониятларидан коллеж ўқувчиларидан ташқари маҳаллий аҳоли ва бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқароларнинг фойдаланишлари коллеждаги кутубхона шароитларини мустаҳкамлигини таъминлашдаги муҳим омиллардан бири сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

2.1.4-жадвал

Ўқув юртининг кутубхона фонди ҳақида маълумот

Т/р	Адабиётлар тури	Неча номда	Жами сони	кутубхона фондининг ҳолати					
				Тиллар бўйича			Утган ўқув йилида неча китоб олинди		
				Ўзб	рус	қорақ			
1	Дарсликлар	46	4248	4245	3	0	0	0	0
2	Ўқув-услубий кулланмалар	16	173	169	4	0	0	0	0
3	Сиёсий адабиётлар	42	469	458	11	0	11	0	0
4	Бадиий адабиётлар	102	1846	1829	17	0	0	0	0
5	Махсус, умумқасбий фанлар	63	3483	3483	0	0	0	0	0
6	Илмий-оммабоп адабиётлар	29	781	758	23	0	0	13	0
7	Маъруза матнлари	31	134	128	6	0	0	0	0
8	Электрон кулланмалар	21	62	59	3	0	0	0	0
Жами		350	11196	11129	67	0	11		

Коллеж таълимида ўқув кутубхона фондиди таъминланганлик даражасидаги бир қатор камчиликларни мавжудлиги ўқув жараёнидаги ўзлаштириш хаттоки ўқувчиларни давомад даражаларини ўзгаришига олиб келмоқда. Шу боисдан коллеж ўқув ишлари бўйича бўлим фаолиятида коллеж АРМ фондиди қизиқарли материаллар, турли соҳага оид эътиборни тортадиган адабиётлар фонди билан тўлдириш масалалари доирасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Коллеждаги мутахассислик фанлари бўйича ўқувчиларни адабиётлар билан таъминланганлик даражаси 50%дан ортмайди. Бу ўз навбатида коллеж ўқувчиларини кутубхона фондиди бадиий адабий, нашрлар, илмий-оммабоп йўналишдаги адабиётлар ва қўлланмалар билан тўлдириш масалларига лалоҳида эътибор қаратиш ва волаверса коллеж ўқитувчиларида илмий-тадқиқот ишлари натижалари, дарсликларни чоп эттириш масаллари доирасидаги ишларни ташкил этиш ишларига талабларни шакллантирмоқда. Коллеж АРМ фондиди ўқув адабиётлари билан тўлдиришда коллеж маъмурияти томонидан ҳар бир коллеж ўқитувчисига бадиий асарлар, услубий кўрсатмалар, қўлланмалар, илмий мақоллар ҳамда

бошқа турдаги ижодий ишларни тайёрлаш ишлари ва талаблари шакллантирилган.

Талабалар учун маънавият ва маърифат хонаси мавжуд. Барча умумтаълим ва мутахассислик фанларидан 30та фан тўғараклари фаолият олиб бормоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи педагогик фаолиятини ижобий деб бахоласак хато бўлмайди.

2.2. Коллеж таълимида ишбилармонлик ўйинларини танлаш, ўтказиш ва ўйин натижасини муҳокама қилиш

Ўйин фаолият сифатида мақсадни белгилаб олиш, режалаштириш ва амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилишни қамраб олади ва бунда шахс субъект сифатида ўз имкониятларини тўла амалга оширади.³

Ўйинли фаолиятнинг мотивациялаш ўйин характерининг мусобақалаш шартлари, шахснинг ўзини намоён қила олиши, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжларини қондиришдан келиб чиқади.

Жараён сифатида ўйин тузилмаси (Г.К.Селевко таъбирича) куйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- ўйнаш учун олинган роллар;
- бу ролларни ижро этиш воситаси бўлган ўйин ҳаракатлари;
- предметларни, яъни ҳақиқий нарсаларни шартли,ўйин нарсалари ўрнида қўллаш;
- ўйинда иштирок этувчиларнинг реал ўзаро муносабатлари;
- ўйинда шартли равишда яратилган сюжет (мазмун)-ижро соҳаси.

³ Н.Х.Хўжаев, Б.Ю.Ходиев, Г.Д.Баубекова, Н.Т.Тилабова Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма: ЎзРФА «Фан» нашриёти, 2002

Ўйиндан тушунчалар, мавзу ва ҳатто ўқув предмети бўлимини ўзлаштиришда ўқитиш методи ва мустақил технология сифатида фойдаланилади.

Ўйин билиш ва унинг бир қисми (кириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) тарзида ташкил этилади

Ўйинлар турли мақсадларга йўналтирилган бўлади. Улар дидактик, тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва ижтимоийлашув мақсадларда қўлланади

Ўйиннинг дидактик мақсади билимлар доираси, билиш фаолияти, амалий фаолиятида билим, малака ва кўникмаларни қўллаш, умумтаълим малака ва кўникмаларни ривожлантириш, меҳнат кўникмаларини ривожлантиришни кенгайтиришга қаратилган бўлади.

Ўйиннинг тарбиявий мақсади мустақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нуқтаи назарлар, маънавий, эстетик ва дунёқарашни шакллантиришдаги ҳамкорликни, коллективизмни, жамоага киришиб кета олишни, коммуникативликни тарбиялашга қаратилган бўлади.

Фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар диққат, хотира, нутқ, тафаккур, қиёслаш малакаси, солиштириш, ўхшашини топиш, фараз, ҳаёл, ижодий қобилият, эмпатия, рефлексия, оптимал ечимни топа олиш, ўқув фаолиятини мотивациялашни ривожлантиришга қаратилган.

Ижтимоийлашув ўйинлари жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларига жалб қилиниш, муҳит шароитларига кўникиш, эҳтиросларни назорат қилиш, ўз-ўзини бошқариш, мулоқотга ўргатиш, психотерапияни назарда тутати.

Педагогикага оид адабиётларда педагогик ўйин деган тушунча мавжуд. Педагогик жараёни ташкил этишнинг бир қатор методлари ва усуллари ҳамда турли шаклдаги педагогик ўйинлар «ўйинли педагогик технологиялар»ни ташкил этади.

Педагогик ўйинда таълимнинг педагогик мақсадлари аниқ қилиб қўйилади.

Педагогик ўйинлар асосида талабаларни ўқув фаолиятига йўлловчи ўйинли усуллар ва вазиятларни вужудга келтириш ётади.

Г.К.Селевко томонидан педагогик ўйинлар таснифи ва уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган.

Педагогик ўйинлар қуйидаги асосий йўналишларда бўлади:

- дидактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади;
- ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди;
- ўқув материалдан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;
- ўқув жараёнига дидактик вазифа ўйинга айлантирилган тарзда мусобақалаштириш унсурлари киритилади;

-дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади

Педагогик ўйинлар фаолият турлари, педагогик жараён характери, ўйин методикаси, соҳа хусусияти, ўйин муҳити бўйича тасниф қилинган.

Олий мактаб амалиётида ишбилармонлик ўйинларига алоҳида аҳамият берилади.

Ишбилармонлик ўйинлари назарияси умуман бошқа ўйин фаолияти назарияси билан бевосита боғланган.

Ишбилармонлик ўйинларини машҳур психологлар Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гальперин ва бошқаларнинг ишларида назарий асосланган.

Ишбилармонлик ўйинлари ўз характерига кўра инсоннинг шахсий хислатларини шакллантиришнинг амалдаги воситаси ҳисобланади.

Ишбилармонлик ўйинлари билиш ва ўқитишнинг воситаси сифатида XX асрнинг 20-йилларида гуркираб ривожланди. Ишбилармонлик ўйинларига тақлидий ўйинлар билишнинг воситаси сифатида асос бўлди. Тақлидий ўйинларга ўз навбатида ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ўйинлар асос бўлган А.А.Вербицкий ишбилармонлик ўйинларига ўқитишнинг ишоравий-контекст шакллари сифатида қарайди. Унинг фикрича, ишбилармонлик

ўйинларида машқ қилиш фаолияти ва бўлажак касбий фаолият модел ёки унинг прототипи, қайсидир сунъий ва табиий тизим сифатида ўзаро нисбатлашади. Шу туфайли ишбилармонлик ўйинлари касбий фаолиятнинг ишоравий моделлари сифатида белгиланади, унинг контексти (мазмуни) ишора воситалари, яъни табиий тилни ҳам ҳисобга олган моделлаштириш, тақлид ва алоқа ёрдамида берилади.

А.А.Вербицкий олий ўқув юртининг вазифасини бундай ўқитишда, яъни талабани бир етакчи фаолият типи (ўқув)дан бошқа (касбий) типга фаолиятнинг предмети, мотиви, мақсади, воситаси, усул ва натижаларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган ҳолда ўтказишни таъминлаш деб билади.

Ишбилармонлик ўйини янги технология сифатида моҳиятан қуйидагиларни билдиради:

- ишлаб чиқариш имитацион модели сифатида тақдим этилган ўқув материали мазмунининг изчиллиги;

- ўйинли ўқув моделида келгусидаги касбий фаолияти таркибий қисмларини яратиш;

- ўқув жараёни тарзини билимларга эҳтиёжни туғдириш ва уларни амалда қўллашнинг реал шароитларига яқинлаштириш;

- ўйиннинг таълимий ва тарбиявий самарадорлиги йиғиндис;

- ўйинни олиб боровчи ўқитувчининг талабалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришидан талабаларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ташкил этиш ва бошқаришга ўтишини таъминлаши.

А.С. ва Г.Ф.Арбенъевлар тадқиқотларида ишбилармонлик ўйини мутахассиснинг эвристик тафаккурини ривожлантиришнинг самарали методларидан бири сифатида баҳоланади.

А.Тюков фикрича, ҳар қандай ўйин қай тарзда лойиҳалаштирилишидан қатъий назар, уларнинг ҳарбири қуйидаги талабларни бажариши лозим:

-касбий доира имитацияси яхлитлиги Ўйин имитациясига тааллуқли бўлган тузилма ва жараёнлар асосий воқеликни акс эттирувчи умумий сюжет ёки асосий мавзуга эга бўлиши лозим;

-мустақил ташкил этишга йўналганлиги;

-ўқитишнинг муаммолилиги;

-методологик,психологик ва техник жиҳатдан таъминланганлиги.

Ташкилий ўйин аслида тобора такомиллашиб боровчи ўқитишни таъминлаши керак. Шу мақсадда унда фаолият ривожланишининг тўлиқ даврийлиги имитацияси амалга оширилади, яъни қандайдир вазият ечимига бўлган ёндашувдан топилган ечимнинг умумлаштирилган баҳоси ўтилади.

А.А.Тюков ўйин даврийлигининг қуйидаги босқичларини қайд қилади:

-вазиятни ва муаммолаштиришни таҳлил қилиш асносида ўйиннинг асосий сюжет мавзуси бўйича ўйин иштирокчисининг сермахсул мустақил ижодий иши;

-амалий гуруҳларнинг иш натижаларини умумий танқидий муҳокама қилиш;

-ўйин жараёни ва иштирокчилар хатти-ҳаркатларини рефлексив таҳлил қилиш;

-ечимни ташкил этиш босқичи.

Я С Гинзбург ва Н М Коряк ўйиннинг қуйидаги ижтимоий-психологик хусусиятларини фарқлайди:

-гуруҳ характери;

-яратувчилик,шартлилик;

-рамзийлик,утилитар бўлмаслик характери;

-белгисизлик(мавҳумлик),тарқалувчанлик хусусияти.

Ишбилармонлик ўйинини тайёрлашнинг ижтимоий-психологик муаммоларига қуйидагилар киради:

-иштирокчиларни танлаш;

-ролларни тақсимлаш;

- ўйин раҳбарини ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш;
- ижтимоий психология бўйича умумназарий билимларни эгаллаш;
- назарий билимларини амалда қўллаш олиш;
- шахсий тайёргарлик.

И.Оллоёров ишбилармонлик ўйинларига ўқув ишларини ташкил этишнинг бир шакли сифатида қарайди. У ўйинлар ўқув жараёнида ўз ўрнига эга ва ўқув жараёнининг асосий вазифалари, моҳияти ва тузилмаси, ҳамда ўрганилаётган фаннинг дидактик табиатига боғлиқ бўлган, аниқ белгиланган дидактик функцияларни бажаришини таъкидлайди.

Ишбилармонлик ўйинларининг дидактик функцияларига қуйидагилар киради:

- талабаларда ақлий фаолият усуллариининг шаклланиши;
- билимларни мустаҳкамлаш ва қўллаш;
- ўқув жараёнида бўлғуси мутахассиснинг фаолияти фақат ўрганиш эмас, балки уни бажаришга қаратилган дидактик қоидалар ишлаб чиқишдан иборат бўлиши;
- талабалар ўқув-билиш фаолиятининг бўлғуси касбий фаолияти, характери ва тузилмасига максимал даражада яқинлашиб бериши.

Ишбилармонлик ўйини ижтимоий-педагогик тизим сифатида қуйидаги тайёргарлик босқичларига эга:

1. Ўқув-билиш вазифаларини муаммоли вазият топшириғи шаклида қўйиш:

- бўлғуси ишбилармонлик ўйинининг мақсадини аниқлаб олиш;
- муаммоли вазиятни англаб етиш;
- талабаларга навбатдаги ишбилармонлик ўйини ҳақида дастлабки маълумотлар бериш.

2. Навбатдаги вазифани бажариш учун зарур бўлган аввал эгалланган билимлардан фойдаланиш:

-талабаларнинг ўқитувчидан ёки адабиётларни таҳлил қилиш орқали янги билимларни қабул қилиб олиши;

-бажарилиши лозим бўлган иш тўғрисида талабаларга йўл-йўриқларни кўрсатиш;

-олинган билим,ўзлаштирилган илмий тушунчалар ва ишлаш методларини умумлаштириш;

-ўз-ўзини назорат қилиш.

3. Ишбилармонлик ўйинларининг шартларини тушунтириш ва вазифани бажариш учун зарур бўлган янги амалий билимларнинг ахборотини бериш.

4. Навбатдаги ишни режалаштириш:

-уларга аввал маълум бўлганлар асосида унинг айрим босқичларини бажариш усуллари танлаш;

-аввал эгалланган билимлар асосида тушунтириш ишини олиб бориш ва ўз ижоди учун зарур бўлган янги методларни қидириш;

-режалаштиришни мустақил назорат қилиш.

5. Вазифа шартлари, уларнинг бажарилишини тушунтирувчи қоидалар (материаллар)ни ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича мустақил ишлар ва ишбилармонлик ўйинларидаги ўз мавқеини аниқлаш.

6. Ўзларидаги бор билим,малака ва кўникмалар асосида режа бўйича ишларни бажариш:

-янги билим ва малакаларни ҳосил қилиш;

-ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг натижаларини мунтазам назорат қилиш

-қайд қилинган камчиликлар ва уларнинг сабабларини бартараф қилиш;

-белгиланган режаларни(режа олди ишлари ва режадан ташқари)такомиллаштириш;

-якуний натижаларни текшириб кўриш ва таҳлил қилиш.

7. Талабалар фаолиятини, уларнинг билими, малакаси, кўникмаларини назорат қилиш ва жорий йўл-йўриқлар бериш.

8. Талабаларнинг ишбилармонлик ўйинларига тайёрлигини аниқлаш мақсадида уларнинг мустақил ишлари натижаларини текшириб кўриш.

9. Талабаларга ишбилармонлик ўйинларини ўтказиш ва унда қатнашиш бўйича йўл-йўриқлар бериш, уларни роль ўйнаш бўйича тақсим қилиш, зарурат туғилганда ҳар бирига қўшимча йўл-йўриқлар бериш.

10. Олдиндан ишлаб чиқилган сценарий бўйича талабаларнинг ишбилармонлик ўйинлари.

11. Ўйин иштирокчиларига жорий йўл-йўриқлар бериш.

12. Ўйин иштирокчиларининг ўйин давомида ўзи ўйнаган ролларига баҳо бериши, ўз-ўзини назорат қилиши.

13. Ишбилармонлик ўйини натижаларини муҳокама қилиш ва талабанинг ўқув-ўйин фаолиятига баҳо бериш.

Шундай қилиб, ўйинлари материалларни янги билимларни эгаллаш, ўтилганларни мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, умумий малакани шакллантириш каби бир қатор вазифаларни ечишда фойдаланилади.

2.3. Коллеж дарс жараёнида ишбилармонлик ўйинларини ташкил этиш даражалари ва тахлили

Ҳар бир ўтиладиган янгича усуллар қандай самара бериши, унга нисбатан қизиқишлар қай тарзда эканлигини билиш алоҳида кузатувларни ва синов тажрибаларни тақозо этади. Биз Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежидаги амалиётимиз давомида ўтган кузатувлар ва дарс таҳлилларига асосланиб, ишбилармонлик ўйинларига асосланиб ташкил этилган дарс қандай натижаларни беришини тажриба синов гуруҳлари мисолида ўрганишни лозим топдик. Биз битирув амалиёти давомида иккита гуруҳни

тажриба ва синов гуруҳи сифатида танлаб олдик. Танлаб олинган гуруҳларга тажриба синов ишларидан аввал «Иқтисодий ўсиш ва бандлик» мавзуси билан боғлиқ тушунчалар ҳақида қисқача тажриба ўтказилди. Яъни талабаларга урта иқтисодий ўсиш билан боғлиқ саволлар берилди. Берилган саволларга талабаларни фикри, муносабатлари ва намоён этадиган фаолликлари тажриба давомида турли даражадаги баҳолашлар орқали ўрганиб чиқилди.

Тажриба жараёнида талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларини юқори, ўрта ва қуйи даражада баҳоланди. Мазкур тажриба натижалари қуйидагича бўлди.

«Иқтисодий ўсиш ва бандлик» мавзусидан маъруза машғулоти ташкил этишдан олдин талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

2.3.1-Жадвал

Ўзлаштириш даражалари	Тажриба синов гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	Талабалар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)	Талабалар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)
Юқори	5	22,7	6	27,2
Ўрта	4	18,3	3	13,6
Қуйи	13	59,0	16	72,7
Жами:	22	100	22	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги талабалардан ҳар уччала саволга олинган жавоблар юқори- 22,7 %, ўрта 18,3 %, қуйи 59 % бўлган бўлса, назорат гуруҳида юқори 27,2 %, ўрта 13,6 %, қуйи 72,7 % ни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавоблар назорат гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавобларга нисбатан яқин кўрсаткичларга эга. Бу эса танланган гуруҳларда ишбилармонлик

ўйинларини қўлламасдан туриб дарс ўтиш бир хил натижаларни қайд этишини кўрсатади. Энди «Иқтисодий ўсиш ва бандлик» мавзусидан ташкил этилган маъруза машғулотида сўнг олинган натижаларни қуйидаги жадвалда келтирамиз.

«Иқтисодий ўсиш ва бандлик» мавзусидан ташкил этилган маъруза
жараёнида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

2.3.2-Жадвал

Ўзлаштириш даражалари	Тажриба синов гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	Талабалар сони	Ўзлашти риш курсаткичи (%)	Талабалар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)
Юқори	13	59	11	50
Ўрта	7	31,8	9	40,8
Қуйи	2	9,2	2	9,2
Жами:	22	100	22	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги талабалардан ҳар учала саволга олинган жавоблар юқори. 59 %, ўрта 31,8 %, қуйи 9,2 % бўлган бўлса, назорат гуруҳида юқори 50 %, ўрта 40,8 %, қуйи 9,2 % ни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, тажриба-синов гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавоблар назорат гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавобларга нисбатан юқори. Дарс жараёнига янгилик билан ёндошиш, унда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, турли ишбилармон ўйинлардан фойдаланиш, талабаларни индивидуал ишлашларини тақозо этадиган усулларга мурожаат қилиниши анъанавий дарс ўтиш усулларига қараганда талабалар фаолликларини ортишига таъсир кўрсатар экан. Назорат гуруҳида тажриба-синов гуруҳига нисбатан ўрта ва қуйи ўзлаштириш кўрсаткичлари юқорилигини кузатишимиз мумкин. Демак, ўзлаштиришдаги фаолликни орттиришда таълимни янгшича усулларини жорий этилиши юқоридаги синов натижаларидан ҳам ўз аксини

топди. Талабалар фаолиятини маъруза ва семинар жараёнида баҳолаш мезонлари қуйидагиларга асосланди.

86 – 100 %	2 балл	«аъло»
71 – 85 %	1,7 балл	«яхши»
55 – 70 %	1,4 балл	«қоникарли»

Юқоридагилардан қисқача хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, коллежда ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиб иқтисодий билимларни ўқитишда қуйидаги самарадорликка эришилади:

-талабада мукаммал иқтисодий билим, малака ва кўникма ҳосил бўлади;

-талаба таълим жараёнининг нафакат объекти, балки субъектига айланади;

-талабада иқтисодий тафаккур камол топади;

-талаба ўйланади, изланади, мушоҳадалайди ва натижада мустақил қарор қабул қилади;

-фикрни очик баён қилишни урганади;

-талабаларнинг иқтисодий билимга бўлган қизиқиши кучаяди, иқтисодиётга қизиқиши қузатилади;

-иқтисодий таълимда кетма-кетлик юзага келади.

Таълим жараёнида ишбилармонлик ўйинлари, интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормокда. Бунинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига ва якуний хулосаларини ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи

(педагог) бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, таълим-тарбия олишига шароит яратади ҳамда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади. Шунинг учун малакали иқтисодчиларни тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари - интерактив методларларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир.

Бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, маърифат ва маданият ҳамда иқтисодий соҳаларга, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий билимлар доирасига ҳам замонавий педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Иқтисодий фанларни ўқитишда ишбилармонлик ўйинларини қўллаш орқали узлуксиз таълим самарадорлигини оширишга алохида эътибор берилаяпти. Педагогик технологиялар – таълим бериш ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш ёрдамида талабаларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятини берувчи ўқув воситалари бўлиб, у ўзига хос дидактик ва услубий асосга эга. Шунингдек, замонавий педагогик технологиянинг энг асосий негизи – бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсаддан қафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқдир. Таълим жараёнида мақсад бўйича қафолатланган натижага эришишда қўлланадиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиб, ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи-талабалар мустақил фикрлаб, ижодий ишлай олсалар – бу таълим жараёнининг асоси ҳисобланади.

Иқтисодий фанларнинг ўқитилиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида, ишбилармонлик ўйинлари билан бир қаторда педагогик технологияларни замонавий ахборот технологиялар имкониятлари асосида уч турдаги ўқув машғулотларига, яъни маъруза, амалий ва лаборатория

машғулотларининг узига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ҳолда қўллаш тавсия этилади.

Иқтисодий фанлардан урганилаётган материалларнинг ўқув соатлари миқдори ҳисобга олинган ҳолда мавзу блокларига ажратилади, ҳар бир маъруза мавзу блокига 2-8 ўқув соати оралиғида вақт ажратилади ҳамда ушбу мавзу блокига мос амалий ва лаборатория машғулотлари мазмуни ва ҳажми белгиланади. Бу усулда ҳар бир мавзунини ўрганишдаги ички изчиллик ва узвийлик тўла сақланади ва талабаларда мавзуга оид малака ва кўникмаларни тўлароқ ва мақсадлироқ шакллантириш имконияти кучаяди.

Ишбилармонлик ўйинлари асосида дарс ўтишда энг асосий талаб талабанинг ҳаётий тажрибаси аввал ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлари асосида билим беришни кўзда тутаяди.

Мавжуд педагогика фанида дарс жараёнига оид берилган маълумотларда эътибор кўпроқ янги билимларни баён этиш, уни мустаҳкамлаш ва натижасини ҳисобга олишга қаратилган. Билим беришда талабанинг аввалги билимлари, ҳаётий тажрибаси етарлича ҳисобга олинмаган. Дарс режасида аввал ўтилган мавзунини яқунлаб, янги мавзуга боғлаш таклиф этилган. Лекин шу янги ўтилаётган мавзу бўйича талабанинг билимини аниқлаш, мавзуга хос бўладиган дастлабки маълумотларни бериш етарлича амалга оширилмаган.

Ишбилармонлик ўйинлари талабаларнинг ўрганилаётган соҳа бўйича билимларни эсга тушириш, жонлантириш янги билимни ўзлаштиришга асос бўлади деб кўрсатади. Билимлар ва тайёргарликни аниқлаш талабани фаоллаштириш ва билим ўзлаштиришга ижобий мотивни келтириб чиқаради. Мавзунини ўрганишга киришишда эркин суҳбат, мунозара, ақлий ҳужум ва бошқа шаклларда жонлантириш мумкин.

Демак, ишбилармонлик ўйинларини «Иқтисодиёт назарияси» фани таълим жараёнига жалб қилиш йўллари белгилаш таълимнинг барча босқичларида унинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

III-БОБ. АНДИЖОН КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС КОЛЛЕЖИ ТАЪЛИМИДА ИШБИЛАРМОНЛИК ЎЙИНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Коллеж таълимида ролли ўйинларнинг ташкил этиш технологиясини жорий этиш – самарали ишбилармонлик ўйинлари методи сифатида

Таълимдаги юз бераётган ислохотлар бугунги кун ёшларини миллий кадр сифатида жахон миқёсида рақобатлаша оладиган даражадаги мутахассис сифатида шаклланишига қаратилган. Бу масалани долзарблигини Президентимиз шундай фикрлари билан таъкидлайдилар: “Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади”.⁴ Демак, таълим мазмунини такомиллаштириш, унга янги инновацион технологияларни жорий қилиш, таълим жараёнида талабалар фаолликларини ошириш Ёбугунги кун вазифаси ва ахборотлар оқими тобора ортиб бораётган бир пайтда ақлий салоҳияти юксак кадрлар етиштириш таълимнинг муҳим вазифаларидандир.

Шу маънода ташкил этилаётган маъруза ва семинар дарсларини утказиш ва улар учун замонавий дарс ишланмаларини яратишга эътибор берилди бошланди. Бизнинг педагогик амалиёт жараёнидаги олиб борган илмий тадқиқотларимиз натижаси ўлароқ Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежидаги иқтисодий таълим жараёнидаги кузатишларимиз ва шунга асосланган ҳолда икки соатлик маъруза дарсини ўтиш услубиётини қўйидагича ишлаб чиқишимизга асос бўлди. Яъни, биз “Меҳнат ресурслари ва бандлик” мавзусини “Интервью” ролли ўйинлардан фойдаланган ҳолда дарс ишланмасини тақдим этдик. Дарс ўтишда асосий эътибор дарс ўтиш методикасига қаратилди. Методикани тўғри йўналганлиги дарс

⁴ И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т.; Шарқ, 1998, 7-бет.

самарадорлигига, ўзлаштириш даражасини ортишига ва талабаларни шунга мос тарзда ички фаоллигини ортишига хизмат қилувчи муҳим омилдир. Қуйида биз иқтисодиёт назарияси фани бўйича “Меҳнат ресурслари ва бандлик” мавзусини ўқитиш услубиётини келтириб ўтамиз.

Мавзу: Меҳнат ресурслари ва бандлик

Дарсинг мақсади: Талабаларга меҳнат ресурслари, унинг омиллари, бандлик тушунчаси, бандликни таъминловчи омиллари каби иқтисодий тушунчалар ҳақида маълумот бериш ва уларда иқтисодий билим, қуниқма ва малакаларни шакллантириш. Бу тушунчалар доирасида тасаввурларини шакллантиришдан иборат.

Дарсинг бориши:

Ташкилий қисм: талабалар билан саломлашиб, аудиториянинг умумий ҳолатини, талабаларнинг дарсга тайёргарлигини назорат қилиш, йўқлама қилиш.

Асосий қисм: Аввалги дарсларда ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда янги мавзунини баён этишга асос тайёрлаш мақсадида тегишли саволлар билан талабаларга мурожаат қилинади. Сўнгра янги мавзунини қуйидаги режа асосида ташкил этилади: (бу режа аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технологиянинг “С” стандарт дастурини ташкил этади).

1. Меҳнат ресурслари ва унинг иқтисодиёт учун аҳамияти.
2. Меҳнат ресурсларинини иш билан бандлиги.
3. Меҳнат ресурслари ва эҳтиёжларни узвийлиги.
4. Иш билан бандлик масалаларини келиб чиқиши .

Дарс жихозлари: Президент асарлари, буклетлар, фото альбомлар, жадвал ва графиклар.

Дарсда қулланиладиган воситалар: компьютер, видео кўзгу, проектор, мультимедия.

Дарс ўтишда қўлланиладиган услублар: оғзаки, кўргазмали, амалий, суҳбат, интервью.

Дарс ўтиш технологияси: интервью, кластер, бумеранг, аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технология.

Режа саволларига жавоб беришга ўтишдан аввал ўқитувчи, талабаларни меҳнат ресурслари тушунчасини қай даражада тушунишларини ўрганиш мақсадида, бир вақтнинг ўзида интервью, бумеранг, кластер технологияларидан фойдаланиб талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилиши мумкин: (саволлар берилишидан аввал ўқитувчи гуруҳни учга бўлиб олади. Ҳар бир гуруҳга тегишли технология топшириқлари берилади).

Интервью технологияси бўйича: айтингларчи, меҳнат ресурслари деганда нима тушинилади? Иқтисодиёт учун аҳамияти қандай? (албатта, талабалар ўз жавобларини кетма-кетликда баён этадилар)

Бумеранг технологияси бўйича қуйидаги саволлар иккинчи гуруҳга берилади, лекин улар жавобларини ёзма равишда баён этишлари уқтирилади).

1. Меҳнат ресурслари курсаткичлари деганда нималар назарда тутилади?

2. Кичик ва хусусий бизнесни меҳнат ресурсларига таъсири қандай бўлади?

3. Меҳнат ресурсларига таъсир этувчи омиллар қйсилар деб ўлайсиз?

Кластер технологияси бўйича: учунчи гуруҳ алабаларига ўқитувчи меҳнатда бандлик тушунчалари билан боғиқ таянч ибораларни тармоқларга бўлиб ёзишларини талаб қилади.

Шарт. Ҳар бир гуруҳ тайёр бўлгандан сўнг бир бирларига ҳалақит бермасдан жавоб беришлари керак, ҳар бир жавоб диққат билан тингланиши зарур ва талабалар бир-бирларини фикр-мулоҳазаларни ҳурмат қилишлари керак.

Юқоридаги қўлланилаётган технологиялар биринчидан, талабани уйда қанчалик мустақил тайёрланганлигини кўрсатса, иккинчидан, ўқитувчи учун мавзу баёнида бу фикрлар таянч иборалар вазифасини ўтайди, яъни талабани бор билимини ўқитувчи бошқа материаллар асосида бойитади.

Айтилган фикрлар ўқитувчи тамонидан умумлаштирилади ва режада берилган ҳар бир саволга ўқитувчи талабаларнинг жавобларига асосланиб тушунтиришлар беради, яъни маъруза қилади. Маъруза матни олдиндан талабаларга тарқатилганлигини инобатга олиб, уни биз қуйида келтирмаймиз. Маъруза дарси сўнгида ўқитувчи мавзу юзасидан талабаларнинг саволларига жавоб беради, умумлаштиради ва уйга вазифа бериб, дарс якунланади.

«Мехнат ресурслари ва бандлик» мавзусини ўқитиш технологияси

Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежининг 2 курс, гуруҳи	Фан: «Иқтисодий билим асослари»	-Мавзу 2 соат
22 та талаба	Муаллиф: Илмий рахбар: Г.Умарова	Ўқитувчи (амалиётчи): И.Муқимжонов
Дарс шакли		Маъруза
Маъруза режаси:	1. Мехнат ресурслари ва унинг иқтисодиёт учун аҳамияти. 2. Мехнат ресурслари омиллари. 3. Бандлик тушунчаси. 4. Мехнат ресурсларини иш билан бандлик масаласи.	
Дарснинг мақсади: Талабаларга мехнат ресурслари ҳақида тушунча бериш, уларда иқтисодий билим, малака, кўникма ҳосил қилиш.		

Педагогик вазифалар: • меҳнат ресурслари ҳақида тушунча бериш; • бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларини узишини аҳамиятини гапириш; • меҳнат ресурслари омиллари, турлари ва цикллари билан талабаларни таништириш; • Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига утиш даврида меҳнат ресурслари кўрсаткичларини мисоллар орқали талабаларга консепт килдириш.	Ўқув натижалари: • бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурслари ҳақида тасаввурга эга буладилар; • меҳнат ресурслари омиллари билан танишадилар ва санаб берадилар; • мамлакатларнинг бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурслари кўрсаткичларини солиштирадилар ва таҳлил қиладилар; • талабаларда иқтисодий, билим, малака, кўникма ҳосил бўлади ва уларни иқтисодий дунёқарашлари шаклланади.
Ўқув воситалари:	Маърузалар матни, маркет, доска, бор, ватман, тарқатма материаллар.
Таълим шакли ва методлари:	Маъруза, савол-жавоб, Кластер, Бумеранг, Интервью, Веер.
Шарт-шароит:	Кичик гуруҳлар билан ишлаш учун техник жиҳозланган аудитория, бор, доска.

«Меҳнат ресурслари ва бандлик» мавзусини

Технологик харитаси

Иш боскичлари ва мазмуни	ФАОЛИЯТ	
	Ўқитувчи	Талаба
Тайёрлов Боскич	Мавзуни муаммоли вазиятни (муаммони) танлайди, мақсадни натижани ва унинг баҳолаш мезонини шакллантиради. Муаммони ечиш учун зарур шакл ва воситаларни аниқлайди.	Маъруза матнидан ўтиладиган мавзуни ўқийдилар.
1-боскич Ўқув машғулоти кириш кириш	1.1. «Меҳнат ресурслари ва бандлик» мавзуси билан таништиради. Ўтиладиган мавзу маъруза тарзида ташкил этилиши ҳақида эълон қиладилар. Кузланган мақсад ва режалаштирилган натижа ҳақида тўхталади.	Эшитадилар, ёзиб оладилар.

2-боскич Асосий қисм (55 минут)	2.1. Талабаларни диққатини жалб учун саволлар беради: -меҳнат ресурслари нима? -омил деганда ким нимани тушунади? -бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларини ўсишини аҳамиятини биласизми? -бандлик нима? 2.2. Талабалардан олинган жавобларни таҳлил қилиб, янги мавзунини ўзи баён этади. 2.3. Талабаларни ўқ гуруҳга бўлади ва ҳар бир гуруҳга тегишли саволлар беради. Саволлар тегишли технологияларга асосланган ҳолда тузилган бўлади. 1. Меҳнат ресурслари тушунчасини «Кластер» технологияси бўйича тавсифланг. 2. Меҳнат ресурслари тушунчасига мос равишда иқтисодий терминларни ёзиб чиқинг. 3. Юқоридаги икки саволни оғзаки жавобини эшитишни айтади. 2.4. Эшитади.	Саволларга жавоб берадилар. Талабалар эшитадилар, ёзиб оладилар. Талабалар ўқ гуруҳга бўлинадилар. Ташкил бўлган гуруҳчалар ўзларини саволларига жавоб излайдилар, тайёрланадилар. Талабалар презентация қиладилар, яъни жавоб берадилар.
3-боскич. Яқунловчи қисм	3.1. Талабаларнинг муаммоларини ечиш жараёнларини таҳлил қилиб беради. Қўзатиш натижалари жараёнида фаол талабаларни айтиб ўтади, жараённинг камчиликлари ҳақида тўхталади. 3.2. Натижаларини баҳолайди. Яхши иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.3. Яқуний ҳулосалайди.	Талабалар эшитадилар, камчилик ва ютуқлари билан танишадилар.

Юқоридаги технологик ишланма орқали талабаларни дарс жараёнидаги ишбилармонлик ўйинлари орқали ички фаолликларини

орттириш билан биргаликда, ўзаро фикр алмашинув, мустақил тарзда фикрлаш ва ўз билимларини бошқалар билан таққослаш имкони яратилади. Бундай тарздаги дарсларни ташкил этилишида ўзлаштириладиган материаллар мантиқан ва мазмунан яхши тушунилади. Дарс жараёнидаги ишбилармонлик ўйинларини қўланилишида бир ёқлама ёндошувдан воз кечилади ва иккиёқлама ёндошув фаолиятига асосланилади. Натижада, талабаларни ўзларини эркин тутиш, биргаликда гуруҳ шароитида самаралди ишлашлари ва бир-бирларини фикрларини қўллаб-қувватлашга ўргатиш шакллантирилади. Бу эса ўқитувчидан ўтиладиган дарс мазмуни ва шаклига кўра таълим технологияларини танлашларини талаб этади. Тўғри ва аниқ танланган таълим усулларига асосланиб дарс жараёнида талабани янги имкониятларини, қизиқиш ва қобилиятларини намоён этиш мумкин. Чунки, таълим жараёнида талабал ҳам ақлан, ҳам руҳан ривожланиб боради. Бу эса талаба шахсини фаоллигини орттиришга имкон берувчи омилларни таркиб топтиришга асос бўлиб хизмат қилади. Коллеж таълим тизимида таълим технологияларига асосланган дарсни ташкил этилиши талабалар учун жуда қизиқиш уйғотиши билан биргаликда улар ҳам ҳиссий, ҳам интеллектуал томондан фаоллик кўрсатишлари ортишини кузатдик. Демак, таълимни бундай шаклига янгича ислохот мазмуни билан қарашимиз, ундан янада кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилишимиз зарур.

3.2. Коллеж дарс жараёнида ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланишни такомиллаштириш

Мустақиллик йиллари давомида ёшларни танқидий фикрлаш имкониятини орттиришга қаратилган чора-тадбирлар қўлланилиб, ҳозирда бу ўз натижасини ҳар соҳада кўрсатиб келмоқда. Танқидий фикр – бу қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш

ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишга асослангандир. Яна бу қоидага аниқлик киритадиган бўлсак, фикрлаш – бу ўқиш, ёзиш, сўзлаш ва эшитишга ўхшаш жараён. У фаол, мувофиқлаштирувчи шундай жараёнки, ўзида бирор ҳақиқат тўғрисидаги фикрларни камраб олади.

Танқидий (таҳлилий) фикр шу билан аҳамиятлидир: ҳаётнинг мураккаб ўзгарувчанлик маъносини тушуниб етишга ёрдам беради; жамоанинг очик фикрини рағбатлантиради; алоқа, тушуниш ва ҳурматни икки томонламалиги; шахснинг ривожланишига шароит яратиши ва бошқалар.

Таълим жараёнида танқидий (таҳлилий) фикрлашнинг асосланиши:

1. Ўқитувчи (педагог) ўқувчи-талаба ўртасида ҳамда ўқувчи-талаба – ўқувчи-талаба ўртасидаги ўзаро ҳурматни тарбиялайди.
2. Машғулот жараёнида ўқувчи-талаба тажрибасидан фойдаланилади.
3. Маълум ўқув мазмуни ўқувчи-талабанинг талабларига мос ва аниқ фойдаланилади.
4. Муаммони ҳал қилишда ўқув материалларидан фойдаланилади.
5. Ҳар хил буюм ва қарашлар интеграциялашади.
6. Дастлабки шарт-шароитлар қабул қилинади ва текшириб кўрилади.
7. Таълим ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талаба, ўқувчи- талабани ўзаро муносабати орқали бериб борилади.
8. Ўқувчи-талаба мустақил таълим олиши учун шароит яратилади – ўқувчи-талабани тайёрлаш даражасига мувофиқ методлар танланади.

Ишбилармонлик ўйинлари - ўзаро фикр алмашишга, ўзаро фикрларни тўлдиришга, гоҳ новербал, гоҳо вербал таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасидир. Ишбилармонлик ўйинлари ўзаро таъсир асосида қурилган интеллектуал ҳаракатлар шунчаки таъсир, тўртки вазифасини бажариш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳамкорлик субъектларини ижодий изланишга йўналтириш, номаълум ҳолатни очишга, кашф этишга кўмак берувчи назарий-ақлий мулоҳазаларда ифодаланиши мумкин.

Таълим мазмунини ўзлаштиришда талабаларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равишда қуйидаги интерфаол методлар қўлланилади:

Биринчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини эшитиш орқали қабул қилиш методлари (оғзаки методлар: хикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар).

Иккинчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали метод, тасвирий намоиш қилиш ва бошқалар).

Учинчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар, машқлар, лаборатория ишлари, дастур тузиш, педагогик масалаларни ечиш, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

Ишбилармонлик ўйинлари асосида тузилган дарс тизимларида турли стратегиялардан фойдаланилади. Бунда талабаларга китоблар, дафтар, бошқа яширин усуллардан фойдаланиш тақиқланмайди, аксинча бундай усулларни қўллаш рағбатлантирилади⁵.

Талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, муаммоларни ҳал қилишда тайёр стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қилишга ундаш, талабалар ички ҳиссиётларини юзага чиқариб, уларни мантиқий фикрлашга чорлаш, уларни солиштириш, хусусий аналитик фикр юритишга ўргатиш, талабалар интеллектуал, зукколик хислатларини шакллантириш ва маълум йўналишда янада юқори даражада ривожлантириш мақсадида муаммоли услубдан фойдаланилади.

Муаммоли вазият қандай ҳосил қилинади? Бунинг учун бажарилиши лозим бўлган топшириқ эълон қилинади. Энди шу вазифани бажариш учун талаба бор билим ва кўникмаларини эслайди, топшириқни бажаришда шу пайтгача эгаллаган билимларининг етишмаслигини сезиш билан бирга талаба

⁵ Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш.-Т.: “Fan va texnologiya”, 2009.- 112 б

шахсида маълум психологик қарама-қаршилик шаклидаги ҳолат юз беради. Галдаги муаммо топшириқни бажариш ва шу топшириқни бажариш учун янги билим, иқтидор ва кўникмаларни излаш муаммоси пайдо бўлади. Ана шу вазият эса, муаммоли таҳсилнинг бошланиш жараёни ҳисобланади.

Педагог талабаларнинг топшириқни мустақил бажариш жараёнини зукколик билан бошқаради, эътибор билан кузатади, керак бўлганда жонли мулоқотга чорлайди. Талабалар мантикий фикрлаш давомида уларнинг жонли мушоҳадаси, фикр доираси педагог томонидан изчиллик билан ҳисобга олиниб таҳсил охирида фаол талабаларга қўйилган баллар ёки баҳоларни эълон қилади.

Анъанавий методикада талаба шахсининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда унинг билими кўникмага, ундан эса малакагача ривожланишига аҳамият берилмаслиги аён. Ўқитувчи талабага иложи борица ўрганилаётган мавзудан кўпроқ ахборот беришга ҳаракат қилади. Ўқитувчи: ахборотларни тўплаш, ахборотларни танлаш ва қайта ишлаш, ўрганилган ахборотларни қўллаш каби билишнинг учта босқичдан иборат моделига риоя қилавермайди. Кейинги навбатда талабанинг билиш фаолияти (олган билими) билиш фаолиятининг янги поғонасига, яъни бу билиш фаолиятининг фаоллашув жараёнига ўтиши керак. Шундагина билим кўникмага, кўникма эса малакага айланади. Талабалар билиш фаолиятининг фаоллашуви қатор принципларга таянади: фанни ўрганишга қизиқтириш, таянч ибораларга асосланиш, муаммоли методларни қўллаш, мустақил ишларни ташкил этиш, ялпи ва якка ишларни ташкиллаштириш, кўргазмали ва техник воситалардан фойдаланиш, таълим мазмунини турмуш билан боғлаш, фанлараро алоқадорликни ўрнатиш ва ҳоказо. Бундан эса, таълим жараёнида ўқитувчи риоя қилиши керак бўладиган асосий принциплар келиб чиқади:

- талабада ўз кучига ишониш ҳиссиётини уйғотиш;
- талабада ўз вақтида керакли ёрдам бериш.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш осон иш эмас. Бу муайян ёш даврида тугалланган ва эсдан чиқарилган вазифа ҳам эмас. Шу билан бирга танқидий фикрлашга олиб борадиган тугалланган йўл ҳам йўқ. Аммо танқидий фикрловчиларнинг шаклланишига ёрдам берувчи муайян ўқув шароитлари тўплами мавжуд.

Танқидий фикрлаш тажрибасини эгаллаши учун талабаларга вақт ва имконият бериш зарур, яъни; талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш; турли-туман ғоя ва фикрларни қабул қилиш; талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш; ҳар бир талабани танқидий фикр юритишга қодир эканлигига ўзларида ишонч ҳиссини уйғотиш; танқидий фикрлашнинг юзага келишини қадрлаш лозим.

Шу муносабат билан талабалар: ўзига ишончни орттириш, ўз фикри ҳамда ғояларининг қадрини тушуниш; таълим жараёнида фаол иштирок этиш; турли фикр ва ғояларни эътибор билан тинглаш; ўз ҳукмларини шакллантиришга ва ундан қайтишга тайёр туриши лозим.

Танқидий (таҳлилий) фикрлаш талабаларнинг фаоллиги билан бевосита боғлиқдир. Чунки, талабалар сусткаш тингловчилар бўлишади, уларда ўқитувчи билимли ёки матнда унинг бу билимлари акс этган, шу туфайли уларнинг билимларига ўқитувчи масъул деган ишонч шаклланиб қолган. Таълим жараёнидаги талабаларнинг фаол иштироки ва таълимга ўзларининг масъул эканлигига тайёрлиги, танқидий фикрлашда кутилган натижаларни беради. Талабаларни фикр юритишга, ўз ғояси ва фикрлари билан ўзаро ўртоқлашишга даъват этиш каби педагогик ёндашув уларнинг фаоллигини ўстиради.

Фикрлаш жараёнини ташкил этиш давомида талаба уларнинг фикрлари, ўз танқидий таҳлили натижалари қимматли эканлигини уларнинг онгига сингдириш зарур. Ўқитувчи (педагог) талабалардан муайян материални шунчаки қайта ишлашни талаб қилганда тайёр қолиплардан, андозалардан холи бўлиши лозим. Бу эса талабаларда ўзгалар ғояларини

механик тарзда қайта ишлаб чиқиш энг муҳим ва қимматли эканлигига ишонч ҳосил қилишга олиб келади. Аслида талабаларга ўз фикри, ўзига тааллуқли бўлган ғоя ва тасаввурлар қимматли эканлигини кўрсата олиш керак. Талабаларнинг ўзлари ҳам ўз фикрларининг қимматбаҳо эканлигига ишонч ҳосил қила олишлари ҳамда масалаларни муҳокама қилиш жараёнида ўта муҳим ва катта ҳисса бўлиб ҳисобланишини тан олишлари керак.

Фикрлаш жараёни талабаларнинг ўзаро бир-бирлари билан фикр алмашишларини кўзда тутати. Ўзаро фикр алмашишда талабалардан диққат билан тинглаш, ўзининг қарашлар тизимини сўровчига зўрлаб ўтказиш ва бошқа сўзловчилар фикрини тузатиб туришдан ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади. Бунга жавобан талабалар бошқаларнинг ялпи фикрларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Кенг доирадаги мунозара оқибати ўлароқ талабалар ўзларига тегишли бўлган ғояларни таҳлил қилиш ва уни аниқлашга янада қобилияти орта боради ҳамда уларни ўз билимлари ва ҳаётий тажрибаларида яратган ғоялари тизимига тиркаб боради. Фикрлаш жараёнини ташкил этишда уни ўтказишнинг бир неча моделлари мавжуд, яъни: ўзига ишонч ҳосил қилиш, ишда фаол иштирок этиш, ўртоқлар ва ўқитувчи билан фикр алмашиш, ўзгалар фикрини тинглай олиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, ишбилармонлик ўйинлари орқали талабаларнинг танқидий (таҳлилий) фикрини ривожлантириш коллеждаги ўқув-тарбия жараёнида камол топтирувчи ҳамда тарбияловчи принципларни амалга оширишда талабаларга ўзини ўзи бошқаришида муҳим рол ўйнайди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ўзининг бир қатор устивор хусусиятлари ва афзалликлари билан иқтисодиётни эркинлаштириш шароити талабларига жавоб берадиган замонавий юқори малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг барчаси тўлалигича амалга оширилиб бўлинсада, у ҳолда мамлакатимиз мавқеини нафақат минтақада, балки бутун дунё ҳамжамиятида кўтарилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшалиган етук малакали мутахассислар, шу жумладан иқтисодчи ва иқтисодчи ўқитувчи мутахассислар етишиб чиқади.

Бироқ, ҳозирги кунда, юқори малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимида бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб, улар бевосита тизимни замон талаблари даражасида ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Бу каби муаммоларни ҳал этилиши бевосита мамлакатимиз иқтисодиёти учун мутахассислар тайёрлаш учун катта имконият яратади. Айнан биз тадқиқот олиб борган Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежининг нуфузли ўринларда эканлиги, қолаверса уларнинг таълим-тарбия тизими андозалари бошқа ўрта махсус касб-ҳунар коллежларига жорий этилса жаҳон андозаларига мос тарзда малакали кадрлар тайёрлашдаги сифат кўрсаткични ортишига имкон яратган бўлар эди. Демак, Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежи таълим тизимида ишбилармонлик ўйинларини жорий этилганлиги ўрганилган натижаларга кўра маълум бўлди. Бу эса анъанавий усулларга қараганда юқори натижаларга эришишни таъминлаб, дарс самарадорлигини ва дарс жараёнида ўқувчиларни фаолликларини янада орттиришни юзага келтиради. Бу эса ўқитувчидан бу борада кенг маълумотга ва педагогик технологияларни ўз фаолиятида қўллай олишга бўлган малакага эга бўлиши зарурлигини кўрсатади.

Шу маънода бизнинг битирув малакавий ишимиз ниҳоясида асосий таклиф сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамиз. Бизнингча,

- Малакали кадрлар тайёрлашда жаҳоннинг нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорлик ишларимизни кучайтириш зарур.
- Коллежларда ишбилармонлик ўйинларига асосланган дарсларни ташкил этилишида ўқитувчи-педагоглар малакасини ошириш зарур.
- Олий ўқув юртлиридаги жорий этилаётган ишбилармонлик ўйинларини ўрта махсус касб-хунар коллежи таълим тизимида мослаштиришни амалга ошириш зарур.
- Коллежлараро ишбилармонлик ўйинларини қўллашга қаратилган тажриба-синов дарсларини ташкил этиш ишларини йўлга қўйиш керак.
- Таълим шаклига кўра, малакали кадрлар тайёрлашнинг мазмунини ривожлантиришда ишбилармонлик ўйинларининг турларини тўғри танлай олиш зарур.
- Замон талаблари асосида ишбилармонлик ўйинлари ва педагогик технологиялар асосида дарсларни ташкил этиш натижасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд қилинган таклифлар амалиётга тадбиқ этилса, қайсидир маънода Ўзбекистонда малакали тайёрлаш тизими муаммолари бартараф этилади ва барча мутахассис кадрлар ўз иш жойларига эга бўладилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни.
2. Тошкент. “Шарқ” 2001. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. 3-8 бетлар.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. «Ўзбекистон» 1997.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2013 йил 18 январ
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2010 йил 22 декабрдаги 1245-сонли қарори
6. “Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: ЎзР Президентининг Фармойиши. 2009 йил 9 декабрь //Халқ сўзи. -2009. - № 238. декабрь. – 1 б.
- 7.“Обод турмуш йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 26.01.2013 й. N ПҚ-1046

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

8. Ислон Каримов. “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги 2005 йил йқунларига бағишланган маърузаси. 10 феврал, 2006 й.
9. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли қарори.

10. «2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва мухандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.

11. «Инсон манфаатларини устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир». ЎзР Президенти И.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2008 йил 8 феврал.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

12. Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „Бош мақсадимиз–кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузаси “Халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь.

13. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

14.Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

15. Каримов И.А.Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан–Т.:“O`qituvchi” НМУУ, 2011.

16.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.
19. Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
20. Ислом Каримов. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
21. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
22. Ислом Каримов. Баркамол авлод орзуси Т., «Шарқ» 1999 й.
23. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон» 1999 й.

5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

24. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруғи.
25. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ижтимоий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги 2000 йил 19 июн 176 сонли буйруғи.
26. Ўзбекистон Республикасини 2008 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. 7 май 2008 йил.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори// Халқ сўзи, 2011 йил 20 май, № 100

6. Дарсликлар

27. Е.Н. Пронина, В.В.Лукашевич. “Психология и педагогика”. Учебник для

студентов вузов. – М.: Элит, 2004.

25. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия». 2004.

26. Подлаый И.П. Педагогика. Учебник для студентов вузов. М.: 2007 г.

27. Очилов М. Олий мактаб педагогикаси. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т.: “Ўқитувчи”. 2007 йил.

28. Махкамов У., Ходжаев Б., Тилабова Н. Дидактик материаллар мажмуи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т.: Шарқ. 2007.

7.Ўқув қўлланмалар

29.Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.

30.Хўжаев Н., Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т. 2007.

31.Хўжаев Н., Шарипов Ш. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Маърузалар матни. – Т., 2005.

32.И. Иномов, И. Мамажонов Иқтисодий тарбия назарияси. – Т.: Талаба 2007.

33.Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2006.

34.Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий қўлланма. – Т., 2001.

35.Хўжаев Н. ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Фан, 2007.

36.Хошимова М. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007.

37.Расулова Ф. Абдуллаева Р. Педагогическая этика. Т.: ТДИУ. 2007.

38.Махкамов У. Тилабова Н. Касбий маҳорат. Т.: ТДИУ. 2007.

32.Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар. 2007.

39.Шодмонова Ш., Хошимова М., Файзуллаева Н. Тарбиявий ишлар услубиёти. Т.: Фан ва технологиялари. 2008 й.

40.Тожибоева Д. Хўжаев Н. Иқтисодий педагогика. Т.: Фан ва технологиялар. 2008.

8.Монография ва илмий мақолалар

41.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005.

42.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида.1-қисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. – Т.: ТДИУ, 2005.

43.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 3-қисм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожидавр талаби. – Т.: ТДИУ, 2005.

44.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида.4-қисм. Молия ва банк тизимидаги ислохотлар самараси. – Т.: ТДИУ, 2005.

45.Зиёмухаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т.: Фан ва технологиялар.

46.Саченчо И.П. Диагностика развития педагогического творчества учителя. – Пятигорск, 2006.

47.Толипов Ў. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг назарий татбиқи. Т.: Фан, 2007.

9.Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

48.Чориев Р. «Инженер-педагогларнинг касбий малакаларини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. – Т.,2005.

49.Маҳкамов М. «Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. – Т.,2005.

50.Раҳимов. Б «Бўлажак ўқитувчида касбий маданий муносабатларнинг шаклланиши» номзодлик диссертацияси. – Т.,2004.

51.Нуриддинов Б. «Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий педагогик асослари». номзодлик диссертацияси. – Т.,2002.

52.А. Абдиев. «Касб-хунар коллежларида иқтисодий таълим ва тарбия жараёнларини такомиллаштириш йиллари». – Т., 2002. Магистрлик диссертацияси.

54.Ш. Салиев. «Касб-хунар коллежлари учун иқтисодчи кадрлар тайёрлаш йиллари». – Т., 2002. Магистрлик диссертацияси.

55.И. Мамажонов «Бўлажак иқтисодчи ўқитувчи кадрлар тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» Т., 2001. Магистрлик диссертацияси.

10.Илмий амалий анжуманлар маърузалар тўплами

56.Илғор педагогик технологиялар асрида дарс ўтиш йиллари. Ўқув услубий ишланмалар тўплами. – Т.: ТДИУ. 2005.

57.«Таълим самарадорлигини ошириш йиллар» мавзусидаги семинар тренинг материаллари. – Т.: 2002.

58.«Талабаларнинг энг илғор илмий-амалий ғояси. ТДИУ иқтидорли талабаларнинг кўрик танловининг материаллари. Т.: 21-22 апрел 2008 йил.

11.Газета ва журналлар

59.Таълим ва тарбия. // Журнал. 2011й 2-3 сонлари.

60.Иқтисодиёт ва таълим. // Журнал. 2011йил 4 -5 сонлари.

61.Халқ таълими. // Журнал. 2012 йил 1-4 сонлари.

62.Маърифат. // Газета. 2012 йил 20 апрел сони.

63.Халқ сўзи.// Газета. 2012 йил 20январ 14 – сони

64Туркистон, 2011 йил 8 июнь

12.Интернет сайтлари

65.www.glef.org. Джордж Лукасинг Таълимнинг фонди.

66. www.newhorizons.org. Таълимнинг янги уфқлари.

67. www.thelearningweb.net. Таълим тармоғи.

68. www.inetlibrary.com. Интернет-кутубхона

69. Андижон кичик ва ўрта бизнес коллежининг меъёрий хужжатлари, паспорти, маълумотлари, хисоботлари. Андижон: 2013 йил.

И Л О В А Л А Р